

# НАСЛЧИЛИК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ҚОРАМОЛЛАРНИНГ ТАБИЙ ОФАТЛАРДАН СУҒУРТАЛАШ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Бойбулов Б. Ш.<sup>1</sup>, Эшпўлатов Д. Ж.<sup>2</sup>, Каржаева М.О.<sup>3</sup>

<sup>1</sup>Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти (ЧПИТИ),

Қашқадарё илмий-тажриба станцияси (ИТС)

<sup>2</sup>ЎзАгросуғурта АЖ Қашқадарё вилоят филиали бошқарувчиси

<sup>3</sup>Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти

**Аннотация.** Мақолада қишлоқ хўжалигида айниқса, чорвачиликка молиявий ресурсларни жалб қилишда уларга кафолат сифатида суғурта ҳимоясининг жорий қилиниши қишлоқ хўжалигига киритиладиган инвестицияларни рағбатлантириш билан бирга аҳолининг қорамолларни турли хил касалликлар ва бошқа фавқулудда ходисалар натижасида кўрадиган зарарларини қоплаш тўғрисида илмий-изланишлар натижалари маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар.** Қорамол, молиявий ресурс, суғурта ҳимояси, фавқулудда ходиса, зарарларни қоплаш, селекция, наслчилик, табиий офат, кафолат, инвестиция.

**Аннотация.** В статье представлены результаты научных исследований по внедрению страховой защиты как гарантии привлечения финансовых ресурсов в сельское хозяйство, особенно в животноводство, а также стимулирования инвестиций в сельское хозяйство и компенсации населению потерь, причиненных в результате скотоводству, различных инфекционных заболеваний и других чрезвычайных ситуаций.

**Ключевые слова.** Скот, финансовый ресурс, страховая защита, чрезвычайная ситуация, возмещение ущерба, селекция, разведение, стихийное бедствие, гарантия, инвестиции.

**Abstract.** The article provides information on the introduction of insurance protection as a guarantee for attracting financial resources in agriculture, especially for animal husbandry, as well as encouraging investments in agriculture and compensating the population for losses caused to livestock as a result of various infectious diseases and other emergency events.

**Key words.** Cattle, financial resource, insurance protection, emergency, indemnity, selection, breeding, natural disaster, warranty, investment.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир давлатнинг сиёсий суверенитетини мустаҳкамлашда муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Илмий инновацион лойиҳанинг асосий мақсади наслчилик хўжаликдарида чорва ҳайвонларини суғурталаш тизимини жорий этиш орқали уларни табиий офатлар, касалликлар ва бошқа воқеалар натижасида кўриладиган зарарларини қоплаш орқали иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва ишлаб чиқариш фаолиятини узлуксизлигини таъминлашдан иборат.

Суғурта инсонлар ҳаёти ва мол мулкани турли хил кўзда тутилмаган фавкулудда ҳодисалар натижасида кўриладиган зарарларни қоплаш усулидир. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида табиий офатларни тез-тез юз бериши, чорва ҳайвонларининг юқумли касалликларини тез-тез тарқалиши эҳтимоллиги юқори бўлиб ҳисобланади. Шу боис, чорвачилик ихтисослашган фермер хўжаликларида, айниқса наслчилик хўжаликларида суғурта механизмини жорий этиш алоҳида аҳамиятга эга.

Маълумки, ҳозирги кунда четдан келтириладиган қорамоллар учун иқтисодий жиҳатдан катта маблағ сарфланмоқда. Бундан ташқари хорижий давлатлардан олиб келинадиган қорамоллар иссиқ иқлим шароитига узоқ муддатга мослашади, табиийки, бу даврда уларнинг маҳсулдорлиги ҳам камайиб кетади. Натижада фермер хўжалиги катта миқдорда моддий зарар кўради. Ушбу ҳолатни бартараф қилиш мақсадида наслчилик фермер хўжаликларида қорамолларнинг суғурталаш тизимини жорий этиш долзарб масала ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, айниқса чорвачилик соҳасининг табиий иқлим шароитлари билан кескин боғлиқлиги ва юқумли касалликларни тез тарқалиш хавфи қишлоқ хўжалик корхоналари ва аҳолининг молиявий ҳолатига ҳамда ушбу соҳага инвестицияларни жалб этилишига сезиларли таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалигига айниқса, чорвачиликка молиявий ресурсларни жалб қилишда уларга кафолат сифатида суғурта ҳимоясининг жорий қилиниши қишлоқ хўжалигига киритиладиган инвестицияларни рағбатлантириш билан бирга аҳолининг қорамолларни турли хил касалликлар ва бошқа фавкулудда ҳодисалар натижасида кўрадиган зарарларини қоплаш кафолатини беради [3].

Маълумки, кейинги йилларда сифатсиз ветеринария воситаларини қўлланилиши ва куйдирги каби юқумли касалликларни тарқалиши натижасида кўпгина қорамоллар нобуд бўлмоқда. Бунинг натижасида чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва аҳоли катта миқдорда талофат кўрмоқда. Қорамолчиликда сигирларнинг наслини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида сермахсул сигирлар подаларини яратиш соҳани ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Наслчилик фермер хўжаликларида қорамолларни табиий офатдан суғурталаш тизимини ишлаб чиқиш орқали уларни юқумли касалликлар ва табиий офатлар натижасида кўриладиган зарарларини қоплаш орқали иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва ишлаб чиқариш фаолиятини узлуксизлигини таъминлаш ҳамда қорамолчилик фермер хўжаликларида селекция–наслчилик фаолиятини ривожлантиришни қўллашдан иборат [1].

Шунинг учун чорвачилик хўжаликларида мавжуд наслчилик ишларини ташкил этиш усулларини умумлаштириш, таҳлил этиш, йирик шохли молларнинг натижадорлиги кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, республика шароитида суғурталаш тизимини кенг жорий қилиш технологияларини ўрганиб тадқиқ қилинади. Илмий тадқиқот иши жараёнида селекция–наслчилик ишлари ва уларда суғурталаш тизимлари қўлланилган мамлакатлардаги тажрибалар, шунингдек, бу соҳадаги мавжуд материаллар [3].

Ҳозирги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир давлатнинг сиёсий суверенитетини мустаҳкамлашда муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, айниқса чорвачилик соҳасининг табиий иқлим шароитлари билан кескин боғлиқлиги ва юқумли касалликларини тез тарқалиш хавфи қишлоқ хўжалик корхоналари ва аҳолининг молиявий ҳолатига ҳамда ушбу соҳага инвестицияларни жалб этилишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Қорамолчилик жуфтлаш, урчитиш ва наслдорлик маҳсулдорликни оширишда аҳамиятли тизим ҳисобланади. Шундай экан, биз селекция ишларини олиб бориш даврида генетика қонуниятларининг энг мақбул усулларидан кенг фойдаланишимиз зарур. Республикамиздаги қорамолчиликка ихтисослашган наслчилик фермер хўжаликларида урчитиш учун режалаштирилган қорамол зотларининг бош сонини сақлаб қолиш, кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади [4].

Ўзбекистонда урчитиш учун режалаштирилган сут йўналишидаги қора-ола, қизил чўл, бушуев ҳамда сут-гушт йўналишидаги швиц зотли қорамоллар мавжуд. Бу қорамол зотлари республикамизнинг жанубий минтақаларини иқлим шароитига яхши мослашган сут йўналишидаги зотлар бўлиб, улар муҳим хўжалик ва биологик хусусиятларга эга. Бу қорамол зотлари жанубий вилоятларимизни шароитларига яхши мослашганлиги, яхши озиқлантириш шароитида сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, бузоқларининг ва буқаларининг тез етилувчанлиги, сутининг таркибида ёғи юқорилиги, маҳаллий озуқаларнинг яхши истеъмол ва ҳазм қилиши каби муҳим хусусиятлари билан бошқа қорамол зотларидан ажралиб туради. Бундай ижобий хусусиятларга эга ва маҳаллий шароитларга мослашган зотли қорамолларнинг наслини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш ҳозирги кунда долзарб масала бўлиб ҳисобланади [2].

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини насл ва маҳсулдорлик сифатларини такомиллаштиришда фермер хўжаликлари шароитида наслчилик-селекция ишларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Чорва моллари маҳсулдорлигини оширишни республикамиз аҳолисини гўшт ва сут ҳамда сут маҳсулотлари билан таъминланишини яхшилашга олиб келади. Гўшт ва сут маҳсулотларини таннархини камайишига замин яратилади.

Қорамолчиликни фан ютуқлари ва илғорлар тажрибалари асосида ривожлантириш мақсадида наслчилик ишига, озуқа базасини мустаҳкамлашга ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда уни қайта ишлаш технологиясини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда қорамоллар зотини яхшилаш, генофондини бойитиш ва сақлаш муҳим ҳисобланади. Шунинг учун ҳам охириги йилларда дунё генофондига хос хўжалик фойдали белгилари билан бошқа зотлардан кескин фарқ қиладиган қора-ола, голштин, симментал, швиц ҳамда қизил чўл каби қорамол зотлари мамлакатимизнинг турли ҳудудларга хориждан келтирилмоқда [5].

**Хулоса.** Чорвачилик соҳасини суғурталаш тизими – бугунги кунда мамлакатимизда оқсаётган энг долзарб мавзу бўлиб, ундан фойдаланиш ва

амалиётда қўллаш ривожланган мамлакатларда тез суръатларда ривожланмоқда. Фермер хўжаликлариди ушбу технологияни қўллаш ва подада жорий этишга мослашиш жуда қулай. Чорвачилик тармоғида ушбу усуллардан фойдаланиш орқали суғурта тизимини даражасини 70-80 % гача яхшилаши мумкин. Қорамолчилик соҳасига берилган қатор имтиёзлар эвазига, тежалган маблағлар наслчилик ишларини такомиллаштириш ва соҳага янги технологияларни олиб киришга замин яратиб, қорамолларни умумий бош сонини ҳамда қорамоллардан олинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайишига сабаб бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. А.Ваҳобов. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси рақобатбардошлигини ошириш масалалари. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида аграр тармоқ рақобатбардошлигини ошириш йўналишлари мавзусидаги илмий амалий конференция материаллари. Тошкент, ЎзБИИТИ. 2010 йил, 12 ноябрь, 26 бет.

2. М.Аширов, Ш.Акмалхонов, Б.Бойбулов Турли генотипдаги қизил-чўл зотли сигирларнинг асосий селекция белгилари. Тавсиянома, Тошкент, 2010 йил, 14 бет.

3. А.Ваҳобов, Қишлоқ хўжалигида суғурта механизмини такомиллаштириш масалалари. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида банк-молия тизимининг барқарорлиги: амалиёт ва самарадорлик” мавзусидаги илмий амалий конференция материаллари. Тошкент, Молия, 2010-йил, 17-сентябрь, 3 бет.

4. Аширов.М.Э. Суддор қорамоллар селекцияси. Тошкент-2017 йил, “Наврўз” нашриёти, 208-227-бетлар.

5. Акмалхонов Ш.А., Аширов М.Э. Қорамолчиликда наслчилик ишининг вазифалари, Зооветеринария журнали № 10, 2009-йил, 35-37

## **QARAMALLARDA HАM QOY ESHKILERDE BUWAZLIQTІ ERTE ANIQLAW USІLLARІ.**

*Allaniyazov.O.U., Kutbaev.B.U., Ajiniyazov B.K., Ongarbaev Yu.A.  
Qaraqalpaqstan awıl xojalıǵı hám agrotexnologiyalar instituti*

**Kirisiw:** Ózbekstan respublikası Prezidentiniń 2019 jil 7 noyabrde № 4512 sanlı “Qaraqalpaqstan respublikasında sharwashılıq tarmaqların jedel rawajlandırıw tuwrısında” ǵı qararı shıǵarıldı. Usı qararǵa tiykarlanıp respublikamızǵa 2019-2022 jillarda násilli qaramallar, qoy-eshkiler alıp kelindi. Alıp kelingен násilli mallardıń bas sanın asırıw, ónimdarlılıǵın kóbeytiw, tuwılǵan buzawlardan ana mallar yadrosın jaratıw, ásirese ónim beretuǵın qashar hám sıyırlardı sanın arttırıp, sebepsiz soyılıwına jol bermew baslı wazıypalardan esaplanadı.

Jup hám taq tuyaqlı haywanlardıń buwazlıq dáwiri hár haywanda hár túrli: Atap aytqanda ortasha: Atlar 340 kún, iri shaqlı mallar 285 kún, qoy-eshkiler 150 kún túyelerde 365 kún dawam etedi. Buwazlıq dáwiri jatır trubasınıń ampulyar (jatır